ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00191

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР АСОСИДАГИ АМАЛИЙ ДАРСЛАР

Ойбек Қахрамонович Мирзорахимов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада амалий дарсларда интерфаол методлар асосида дарслар утиш ва кластер усулидан қандай дарсдан ташқари фойдаланиш ҳақида тавсия келтирилган.

Калит сўзлар: кластер, кластер ендашуви, йул харитаси.

PRACTICAL LESSONS BASED ON NEW PEDAGOGICAL INTERACTIVE METHODS

Oybek Kakhramonovich Mirzorakhimov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article provides advice on how to teach interactive methods in practical classes and how to use the cluster method outside of class.

Keywords: cluster, cluster configuration, roadmap.

КИРИШ

Бугунги кун ўкитувчисидан ўзига ишониб топширилган маъсулиятли вазифани сидқидилдан адо этиш, касбий фаолиятида замон билан ҳамқадам фаолият олиб бориш талаб этитлади.

Аввало ҳар бир ўқитувчи ўз касбига меҳр ва маъсулият билан ёндошиб, утадиган ҳар бир соат дарсини муқаддас билиб ёндошиб, ўтадиган ҳар бир соат дарсни муқаддас билиб билиб, унга заррача хиёнат қилиб бўлмаслигини ҳис этиш лозим. Бунинг учун кундалик дарсга пухта тайергарлик кўриши, энг замонавий технологияларни ўз фаолиятида қуллай туриб, дарс сифати ва самарадорлигини таъминлай билиши лозим.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00191

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзликсиз таълимнинг қай бўғини ривожланмасин бошқа бўғинларга шуниндек, жамият, давлат ривожига таъсир етиш табиий еканлигини юртимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов муаллифлигида ишлаб чиқилган. Бевосита раҳбарлигида ҳаётга татбиқ қилинган ва дуньё мутахасислари еътиборига сазовор бўлган Кадрлар таёрлаш миллий дастурининг муваффақиятли натижасида ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Умумий ўрта таълимда,олий ўқув юртларида бугунги долзарб вазифалардан бири бу, дарсларда таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи илғор педагогик технологиялардан унумли ва ўз ўрнида фойдаланишдир.

Ҳозирги кунда дарсларни ташкил этишнинг замонавий усулларидан бири интерфаол методлардан фойдаланишига кенг аҳамият қаратилмоқда.

Интерфаол методлар ёрдамида ҳар бир дарсда ўқувчиларни фаол қилиш жараёнига ундаш, мустақил равишда ақлий фаолиятинини ривожлантиришга имконият яратиш мумкин.

Замонавий педагогик интерфаол методлар асосида ўтилган дарсларда ўқитувчи ва ўқувчилар фанлараро боғланишни, мавзуларнинг мазмун моҳиятини чуқур таҳлил этади.

Дарсда муамоли вазиятлар яратилади. Баъзан ўқитувчи,баъзан эса ўқувчиларнинг ўзлари муаммони ўртага ташлайдилар ва фикр юритиб, ечимни топишга интиладилар.

Замонавий ўқитувчи ҳар бир дарсни қизиқарли ва мазмунли ташкил етиши зарур . Ўқитувчи шундай методан фойдаланиши керакки, у дарсда ортиқча вақтни олмасин, фойдаланишда ўқитувчи ҳам,ўқувчи ҳам қийинчиликка дуч келмаслин.

Шундай интерфаол методлардан бири бу «Кластер» методидур. «Кластер» методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у таълим олувчиларга ихтиёрий муамолар хусусида эркин, очиқ уйлаш ва фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ердам беради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. “Кластер” методи аниқ объектга йуналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолитиятининг ишлаш тамойили билан боғлиғ равишда амалга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00191


ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг таълим олувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунча қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашига хизмат қилади.

Кластерга ажратиш, ўқувчиларга бирор бир мавзу туғрисида эркин ва очиқ тарзда фикр юритишига ёрдам берадиган педагогик стратегиядир.

“Кластер” сўзи ғужм, боғлам маъносини англатади. Бирор мавзу буйича кластерлар тузишдан бу мавзуни мукаммал ўрганмасдан олдин фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.


Кластер усулини тузиш кетма-кетлиги:

1. Катта қоғознинг ўртасига ёки синф доскасига ёхуд ёзиш учун фойдаланиш мумкин бўлган сатҳга калит сўз ҳамда гап ёзилади



ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00191

2. Шу мавзуга тегишли деб ҳисобланган ва хаёлга келган ва хаёлга келган суз ва гаплар ёзилади.



3. Фикрлар тугамагунча ёки вақт тамом булгунича хаёлга келган барча фикрлар ёзилаверади.

4. Келтирилган сўз ва фикрлар мазмуни ва якинлигига қараб тоифаларга ажратиб чиқилади.



Стил ва стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Кластер” методи пухта уйланган стратегия бўлиб ундан таълим олувчилар билан якка тартибда ёки

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00191

гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин.

Бу интерфаол усулнинг афзаллиги унинг қуллаш натижалари.

Кластерни қуллаш қуйдаги афзалликларга ега:

- У ҳамма жамоани ўқиш жараёнига , жалб етади, уларга бў қизиқарли;
- Болалар фаол ва очиқ гапиришади, нега деганда уларда хато гапиришлик, нотуғри фикрни баён этиш қурқувлари бўлмайди.

Бу ищларни амалга оширишда қуйдаги билимдонлик маҳоратлари ошади:

-савол қуйиш маҳорати;

- асосийсини ажрата олиш;
- сабаб- қидирув алоқаларини ўрнатиш ва ақлли хулосаларни қуриш;
- шахсийдан умумийлига ўтиш, муаммоларни бутунлигида тушуниш;
- таҳлиллаш ва солиштириш;
- аналогларни ўтказиш.

Кластер усули ишлатиш дарсларда болаларга нима беради? Болаларни фикрлаш кобилиятини, уларни уз фикрларларини айтишларини ривожлантиради.

Буларнинг хаммаси кузатиш натижаларида, янги билим олиш тажрибасида, бир вакт ичида бир- нечта йуналишларни куришда, ахборотларни эжодий жихатдан тахлиллашни ривожлантиради.


Кластер методини дарсларнинг ҳамма турларида, ҳар хил мавзуларда ишлатса бўлади. Масалан: ўқувчиларнинг дарсга кечикишларини, дарсдан кейин уйга кеч боришларини текшириш учун ҳам бу “Кластер” методидан ўнумли фойдалансак ҳам бўлади. Айтишимиз мумкин, бу метод дарс жараёнида фойдаланитиладику?

Қандай ўқувчининг дарсга келиб- кетишини, уйга дарсдан сўнг кеч боришини биз бу метод орқали текшира оламиз? Деган бир кичик савол туғилади.

Биз ўқувчиларимизга ўларни қизиқтириш учун оддий топшириқ берамиз. Яни ҳар бирингиз уйларингиздан мактабгача булган масофани қандай юналишларда босиб ўтасиз? Мактабга келаетганларингизда нималарни йулингизда кўрасиз (болалар боғчаси, бошқа мактаб ҳовлиси,чумилиш ҳавзаси, спорт майдончаси, қурилиш мажмуалари в.б.) яни ҳаракатланиш йул харитангизни чизиб келинг деймиз.

Масалан: Акмалжонни уйдан чиқиш харитасини кўриб чиқишимиз мумкин мисол тариқасида.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00191



ХУЛОСА

Ўқувчиларимиз чизган хариталаридан биз уларнинг қандай йуллардан юришшларини , қаерларда тохтаб қолишларини, билиб олишимиз мумкин булади. Ушбу ўлар чизган харита асосида уларнинг йуллари хафсизлигини, қаерда қолиб кетишларини, қайси транспортларда ,қайси юналишларда келишларини билиб оламиз.

REFERENCES

1. Н.В.Яголина. К вопросам теории кластера. Омск: Издательство “СПБПТ”, 2009.
2. Методика преподавания русского язқка. Под. ред. Профессора М.Т.Баранова Москва, Просвещение 1990.
3. Ю.В.Громыко. Что такое кластер и как их создавать? Алманах “ Восток”-2007.
4. Baxriddinova Muyassarxon Rahimovna (2020). THE LEXICOGRAPHICAL ASPECTS OF LEGAL TERMS IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES. Oriental Art and Culture, (V), 143-146.). T
5. Baxriddinova, M. R. (2016, September). Эффективные методы предотвращения конфликтов в Высших учебных заведениях. In XIV Международная научно-практическая конференция (второй этап)«Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития»НЕ LE
6. Бахриддинова, М. Р. (2021). О ПРОЦЕССЕ ТЕМАТИЧЕСКОГО ОБЪЕДИНЕНИЯ ЮРИДИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ. Academic research in educational sciences, 2(1).